



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 31 март, № 67 (8129)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 29-30 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкентда ўтган музокара-ларда кўплаб келишувларга эришилди. Ташрифнинг иккинчи кунги олий мартабали меҳмон Хоразм вилоятига келди.

Хоразм вилоятида ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган.

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустақам илдизлар билан боғланганки, уларни бир-биридан айро тасаввур қилиш мушкул. Турк халқи Ўзбекистон заминини муқаддас деб билади ва уни "ота юрт", деб эъзозлайди. Қардош турк халқининг дўстлиги ва халқимизга бўлган чексиз меҳри ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Урганч халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган ва унинг рафиқаси тантанали кутиб олинди. Миллий кўшиқ ва рақслар ижро этилди. Йигилганлар ўзбек ва турк халқлари дўстлигини олқишлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоган Хивадаги Ичан қалъага ташриф буюрди.

Маълумки, икки етакчининг ҳам тарихга қизиқиши, ҳурмати баланд. Давлатимиз раҳбари Туркияга ташрифи чоғида Истанбулдаги Топкапи саройини бориб кўрган эди. Режеп Таййип Эрдоган илгари юртимизга келганида Бухорони зиёрат қилган.

Бу қалъа Марказий Осиёда сақланиб қолган бирдан-бир бутун бошли шаҳар-ёдрорликдир. Унинг "очик осмон остидаги музей" дея эътироф этилиши шундан. Бу ерда 120 дан зиёд меъморий обидалар бор.

Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО Маданий мерос рўйхатига киритилган. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи нишонланган.

Бу узун тарих давомида Хива кўлаб туркий давлатларнинг маркази бўлган. У 2020 йилда ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти томонидан Турк дунёсининг маданий пойтахти, деб эълон қилинган.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг бу қадимий шаҳарга ташрифи катта маънога эга.

Меҳмонлар Ичан қалъадаги Ота дарвоза, Кўк минора, Кўҳна арк саройи ва мадрасалар, ҳунармандлик расталарини кўздан кечирди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Жума масжиди зиёрат қилинди.

Давлат раҳбарлари ҳунармандлар, сайёҳлар билан самимий суҳбатлашди.

Хоразмча кўшиқ ва рақслар ижроси барчага кўтаринки кайфият бахш этди.

Хиванинг давлатчилик ва илм-фан ривожига тутган ўрни, қадимий обидалари ва санъати туркийлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоганнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

Урганч халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ШАҲАРЧАСИ ИЛМ ВА ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ БЎЛАДИ

Туркия Президентининг юртимизга ташрифи Хоразмда режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда катта кўлабда қуришлар бўлмоқда. Андижон, Наманган, Нукус ва бошқа шаҳарларда янги шаҳарчалар барпо этилмоқда.

Шу тажриба асосида, Президентимиз ташаббуси билан Урганчда Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун аэропорт яқинидан 110 гектар ер ажратилган.

Жорий йил 7 февраль кунини ўтказилган тақдиротда шаҳарчанинг умумий концепцияси тасдиқланган эди. Бу гал ундаги ҳар бир иншоотнинг

ички мазмуни муҳокама қилинди. Лойиҳага кўра, бу ерда университет, IT парк, уйлар, мактаб ва боғча, маданият ва спорт мажмуалари барпо этилади. Шаҳарча марказида Мухаммад ал-Хоразмий сайилгоҳи бўлиб, буюк алломанинг янги ҳайкали ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини бошқариш бўйича комиссия тузишга кўрсатма берди.

— Бу ер шаҳар ичидаги шаҳар бўлади. Университет, инновацион марказ ва мактаблар илм ва таъ-

лим кластерини ташкил этади. Ушбу шаҳарчада ишловчилар учун уй-жойлар, илмга асосланган саноат зонаси ҳам бўлади. Шаҳарчани шунга муносиб қилиб, сифатли қуриш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Урганчдаги Санъат музейи биносини реконструкция қилиб, кўرғазма майдонини кенгайтириш, Хивадаги Қўғирчоқ театрини замонавий бинога кўчириш ҳам мўлжалланган. Президентимиз янги бинолардан самарали фойдаланиш,

уларда кўшимча хизматларни йўлга қўйиб, даромад топишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Коммунал соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириб, қуйи тизимда самарали ишлаши вазифаси қўйилди.

Тақдиротдан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентга қайтиб келди.

Ў.А.

Кўп йиллик дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган серқирра ҳамкорликни мустақамлайди

Маълумки, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган 29-30 март кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф давомида кечган олий даражадаги музокара, шунингдек, унинг доирасида бўлиб ўтган Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши ва бошқа тадбирлар хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ўртасида ўзининг катта ақс садосини берди. Хусусан, Туркия Президентининг Ўзбекистонга ушбу расмий ташрифи натижалари хорижий экспертлар томонидан ўзаро стратегик шерикликни янада юқори босқичга олиб чиқиш нуктаи назаридан муҳим омил сифатида баҳоланмоқда.

Дунё нигоҳи

Манабу СИМИЗУ, Япониянинг Ривожланаётган иқтисодиётлар институти фахрий профессори:



— Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги музокара чотида Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари савдо-иқтисодий ва сармоивий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор келишувларни имзоладилар. Им-

золанган мазкур салмоқли ҳужжатлар тўплами савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Туркия муносабатларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Маълумки, Тошкент ва Анқара ўртасидаги муносабатларнинг янги саҳифаси Туркия Президентининг 2016 йил ноябрь ойида Самарқандга амалга оширган, Президент Шавкат Мирзиёевнинг эса 2017 йил октябрь ойида Туркияга буюрган жавоб ташрифидан сўнг бошланди. Ҳозирги пайтда Туркия

Ўзбекистоннинг бешта энг йирик савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Тошкент ва Анқара икки томонлама алоқаларни фаоллаштираётгани билан бир қаторда, янада муҳим минтақавий ўринни тутаётгани ҳисобга олинар экан, икки давлат етакчиларининг бўлиб ўтган сўнгги саммити катта эътиборга сазоворлиги аён бўлади.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистонда иқтисодий ва сиёсий барқарорлик таъминлашига кўмаклашиш бўйича фаол ва амалий ишларни олиб бормоқда. Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини ривожлантириш бўйича ташаббусларни амалга оширишдан ташқари Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакат-

лари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини ҳам фаол илгари сурмоқда.

Ўз навбатида, Туркия Президенти Россия ва Украина ўртасидаги моjarонинг ҳал этилиши бўйича воситачилик қилмоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳон сиёсий ва иқтисодий вазият бўйича қийин даврни бошдан ўтказмоқда. Бундай ҳолатда минтақада янги таҳдидларни биргаликда бартараф этиш юзасидан ҳамфикр мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркия Туркий давлатлар ташкилоти аъзолари ҳисобланади. Бу давлатлар жаҳон цивилизацияси тараққиётида ҳам катта ўрин тутган. Ҳозирги пайтда бутун дунё Ўзбекистон ва Туркиянинг янги ижобий ва етакчилик ўрни катта умид билан кузатмоқда.

Икки мамлакат Президентлари ўзаро фикр алмашиш чоғида минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан ўз давлатларининг нуктаи назарлари ўрнатиш эканлигини таъкидладилар.



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Олмаота шаҳрида Мустақил Давлатла Хамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентларо Ассамблеяси Кенгашининг юбилей мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева бир қатор Хамдўстлик мамлакатлари парламентлари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

Мулоқот

Хусусан, 29 март кунини Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси, МДХ ПА Кенгаши раиси В. Матвиенко билан уч-

рашувда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш ва парламентларо муносабатларни кенгайтириш масалаларни муҳокама қилинди.



МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИ БЎЙИЧА ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛГАН

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева мамлакатимизга "Ўзбекистонда муносиб меҳнатни илгари суриш: инсонга йўналтирилган ёндашув" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун келган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори ўринбосари Х. Коллер бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашув

Т. Норбоева Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ҳамда Халқаро

меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу нуфузли анжуман Ўзбекистонда муносиб меҳнат шaroитларини яратишда ва аҳоли бандчилигини таъминлашда янги гоғларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Мулоқот давомида томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.



Мушоҳада

«ҲАР КУНГИ МЎЪЖИЗА»

У ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАРГА МУҲТОЖ



"Оммавий ахборот воситаларини "тўртинчи ҳокимият"га айлантириш, давлат идораларининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги энг муҳим ютуғимиз шуки — биз жамиятимизда "ёпиқлик муҳити"дан қутулиб, Янги Ўзбекистон пойдеворини айнан эркинлик ва адолат тамойиллари асосида барпо этмоқдамиз".

Президент Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимида айтган ушбу сўзлари мамлакатимиз очикликка юз тутгани, бунга оммавий ахборот воситалари вакиллари касбий маҳорати ва қатъияти ёрдамида эришилаётганини аниқ кўрсатиб турибди. Кейинги беш-олти йил Ўзбекистоннинг медиа соҳаси учун жадал сифат ўзгаришлари даври бўлди. Журналистлар учун таққилланган мавзулар қолмади, фикрлар ва қарашлар турлича кўриниш олди. Сўз эркинлиги реал тушулганга айланди, берилган имкониятлардан фойдаланиш учун маъмурий тўсиқлар олиб ташланди. Журналистларнинг ўз позициясини билдириши учун кўшимча имкониятлар яратишга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар ўтказилди. Бунда ахборот ва ижодий фаолият эркинлиги фаолият эркинлигига бўлган ҳуқуқ мустақамланди, ушбу меъёрларни бузувчиларга нисбатан эса жавобгарлик қучайтирилди.

Ушбу жараённинг манتيқий давоми сифатида мамлакатимизда жадал сурьатлар билан шаффоф, ахборотлашган жамият шакллани бошлади. У эса, табиийки, замонавий шароитларда "янгича" деб аталувчи ОАВ — сайтлар, ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги майдончалар, видеохостинг-платформалар учун қулай муҳит яратди.

Шу билан бир қаторда, рақамли медиа-маҳсулотларнинг жадал ўсиши шароитида аввалги, анъанавий оммавий ахборот воситаларининг келажаги фаол муҳокама қилина бошлади. Ҳатто интернет ва ижтимоий тармоқлар кенг ривожланаётганидан келиб чиқиб, матбуот, яъни босма нашрларга эҳтиёж борми, деган фикрлар ҳам айтылди.

Бундай қараш машҳур "Москва кўз ёшларга ишонмайди" фильмида телеоператор бўлиб ишлаётган йигитнинг "Телевидение ривожланса, кинозаллар ва театрларга ҳожат қолмайди" деган фикрини эслатиди. Ваҳоланки, у хато ўйлаганини биз кўриб турибмиз. Тўғри, кинозаллар ва театрлар аввалгидек гавҳум эмасдир, бироқ уларга ҳамон эҳтиёж бор.



Шу нукта назардан матбуотдан, яъни босма нашрдан узилиш каби ҳис-туйғуларга берилиш мантиққа сира тўғри келмайди. Аввало, у ҳали ўз функцияларини бажаришга — жамиятдаги муаммоларни кўтариб чиқиш, одамларнинг ихтимойи ва сиёсий онгини юксалтириш, фаоллаштириш, фикрлаш, танқид ва таҳлил қилиш салоҳиятини оширишга хизмат қилиш кучига эга. Қолаверса, матбуот жамиятнинг юзи, ойнаси демократия. Интернет бугун қанчаллик омаллашмасин, ҳали ҳамма ҳам ундан тўлақонли фойдаланиш имконига эга эмас. Жамиятда ахборотни аънавий ОАВдан олишни маъқул кўрувчи инсонлар кўпчилиги ташкил этади. Бунинг устига, электрон ОАВ ва веб-сайтлар, мессенжерлар хабарларни тез тарқатади, матбуот воқеалар ривожини, мазмунини, моҳиятини шарҳлаб беради. Бу билан аҳолининг ихтимойи-сиёсий саводхонлигини оширишда катта роль ўйнайди.

Муважжасанлар фикрича, инсоннинг мия фаолияти маълумоти электрон доска ва мониторларга қараганда қоғоз воситалари, хусусан, газета, журнал ва китоблардан ўқиганда кўпроқ ҳамда самаралироқ қабул қилади. Нур таратмагани босма газета ва журнал ёки китоб саҳифаларига узоқ вақт қараш, уларни синчиқлаб ўқиш, сақлаб қўйиш ва керак бўлганда яна кўз ташлаш кўлай.

Қолаверса, ҳар қандай матбуот наشري тарихнинг бир бўлагига айланади. Йиллар ўтиб, келажак авлод маълум бир давр ҳақида маълумот ололмоқчи бўлса, шубҳасиз, ўша пайтда чоп этилган газеталарга мурожаат қилади. Шу орқали замон нафасини, ҳароратини ҳис этади.

Бас, шундай экан, муштарийларнинг диққатини жалб қилишда матбуотнинг родини аниқлаш, яъни бугунги шароитда у қандай стратегияни эгаллагани, ўз олдига қандай мақсад қўйгани ва қайси йўлни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаши ўта муҳим.

«Босма нашрлар учун олтин аср бошланмоқда»

Буёқ Британиянинг "Daily Mail" газетаси журналисти Сью Пиртнинг қўйидаги ўхшатишга эътибор беринг: "Мен учун янги газетани ўқишга тўтинган пайтими худди театрда ҳали парда очилмай туриб, оркестр куй қила бошлаган лаҳзаларни эслатади. Ичкарида, саҳнада сени нима кутаётганини билмайсан, лекин миангни сен ҳеч қачон ўйламаган кўплаб ғоя ва фикрлар забот этишига ишонсан".

Ташбеҳ жуда аниқ, шундай эмасми? Журналист фикрича, матбуот ўқувчини ўзидан — ўз фикрлари, ўй-хаёллари ва муаммоларидан қалғишга қодир. "Шуни сездиكم, деб ёзади у, рақамли формат билан "Ўзини овутириб юрган" одамлар секин-аста газета ва журналларга қайтишди".

Таассуфлар бўлсинки, бизнинг жамиятимизда шундай ҳолат юзага келдики, тобора кучайиб бораётган ахборот "шоққини" орасида рақамли муҳитда кундан-кун урчиётган тиниб-тинчимас "бақироклар"нинг овози эшитилаяпти, холос. Улар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда юз бераётган воқеаларни менсимай, барча босма маҳсулотлар — газета, журналлар ва ҳатто китоблар керакми, деган шоққалоқ ҳулосалар чиқаришга шошилмоқдалар.

Бундай қарашларнинг бемаънилиги, ҳақиқий ҳаётдан жуда узоқлиги ҳақида кўп тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ. Балки бу гап-сўзларни айтаётганлар табиий ландшафти турли-туман бўлган Ватанимизнинг энг олис қишлоқларида ҳам интернетдан аъло даражада фойдаланиш имкони мавжуд, деб ўйлашар. Лекин бошқаларда, ҳатто пойтахт Тошкент марказида ҳам интернет тезлигини мегабит/секундларда эмас, мегабит/соатларда ўлчашга тўғри келиши мумкин. Бундан ташқари, смартфон ва компьютерлардан фойдаланмайдиган кишилар қатлами ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим.

Айни шу пайтда биз ривожланган, деб ҳисоблайдиган мамлакатларда (уларнинг кўпчилиги ўз фуқароларининг саводхонлиги, билими тўғрисида ривожланган!) матбуот ўзининг тикланиш даврини кечирмоқда. Британиялик медиаэксперт ва қатор нашриётлар асосчиси Жереми Лесли бўлса, босма нашрлар — газета ва журналлар учун олтин аср бошланмоқда, деб ҳисоблайди. Европа ва Америкада босма нашрларнинг аядди секин-аста кўпаймоқда, Осиёда эса — ниҳоятда ортиб кетди. Технологийлар ва таракқиёт даражаси энг юқори ҳисобланувчи Японияда одамлар бир нечта босма нашрларга обун бўлишди. У ерда газеталар миллионлаб нусхада чоп этилади.

АҚШда 2020 йили кундалик газеталар адади иш кунларида 24,3 миллион нусхасини, яқинба ҳафтасида эса 25,8 миллион нусхасини ташкил этган. Шубҳасиз, бу нашрларнинг рақамли аудиторияси ҳам етакчи бормоқда. Американинг 50 та етакчи газетаси сайтларига бир ойда ўртача 13,9 миллион киши ташриф буюради. Валюанки, бу сайтлардан маълумот олиш текин эмас.

Хўш, бизда-чи? Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2011 йилда мамлакатимизда 637 та газета чиққан. 2021 йил 1 январига келиб, улардан 366 таси қолган. Чоп этилаётган газеталарнинг сони деярли 2 баравар камайган. Бу ҳали "адад" деб юритилмаган бошқа бир муҳим кўрсаткич эмас, у рас-

мий статистикада келтирилмаган. Бу рақамлар бўйича эса йўқотиш жуда катта...

Бозор рельсларининг асоси мустаҳкамми?

Ўтган ҳафтадаги энг ёрқин воқеа — Тошкент халқро инвестиция форуми бўлди. Ундаги воқеалар ривожини кузатган ҳар бир киши, бир оз бўлса-да, иқтисодчига айланган, десам, хато қилмайман. Чунки анжуманда мамлакатимиз учун жуда муҳим мавзулар муҳокама қилинди.

Бизнинг мамлакатда бизнес юритишни хоҳловчи инвесторларни кўпроқ инфратузилма ва унга боғлиқ омиллар қизиқтирди: хом ашёни қаердан олиш керак, уни ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш қандай бўлади, давлат халол рақобатни қароқотлайдимми, солиқ ва боғжона имтиёзлари-чи?

Сармоядорлар шунини яхши билишадик, ҳар қандай ишни ташкил қилиш учун муайян шарт-шароитлар мажбурий бўлиши лозим. Айни замонда босма оммавий ахборот воситалари дуч келган қийинчиликлар муҳокама қилинар экан, "экспертлар" ва шу масалага маъсул амалдорлар томонидан биттагина умумий тақдир берилди, яъни "бозор рельсига ўтиш". Бирок

белгиланган. 2009 йилдан бошлаб эса давлат ташаббуси билан ёшларни кундалик газеталарни ўқишга жалб этиш бўйича махсус дастур амалга оширилди. Ушбу акция ноширлар билан ҳамкорликда олиб борилди ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсимлар учун газеталарга йиллик бепул обуна тақдим этиш йўлга қўйилди.

Уч йилдан сўнг ҳайратланарли натижа кузатилди. Яъни лойиҳада иштирок этган — уларига етказиб берилган бепул газета ва журналларни ўқиб ўлғайган ёшлар орасида кенг дунёқарашга эга, илм-фаннинг барча соҳасига қизиқувчи, қобилиятли йиғит-қизлар сафи сезиларли даражада кенгайди. Демак, Франция ҳукумати катта маблағлар сарфлаб бўлса-да, эъзу мақсадга эриша олади.

Яқинда бир газетада Германиядаги аэропортлардан бири, чамаси Кёльн шаҳридаги аэропорт ҳақидаги мақолага кўзим тушди. Унда сўхатчининг таассуротлари ҳижоқ қилинган. Муаллиф унга энг ҳаяжонли дақиқаларни аэропортдаги газета сотиладиган дўкон тақдим этганини баён этган. Бутун иншоот бўйича энг аjoyиб бўлим — мегакилометр узунлиги 20 метр бўлиб, унда турли йўналишларга тегишли юзлаб даврий нашрлар сотилар экан. Хўш,

"хайп" учун эмас. Газеталардаги мақола-лар респубблика ва маҳаллий даражадаги рақобатлар эътиборини у ёки бу масалага қаратиб, одамларга адолатли тиклашда ёрдам бергани тўғрисида жуда кўп ва ўп мисоллар келтириш мумкин.

Президентимиз янги Ўзбекистоннинг янгиго ислохотлари асосий йўналишларини ҳаётий мисоллар ва далил-исботлар билан асослаб, таҳлил қилиб, изоҳлаб бера экан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини ҳамда ошкораликни энг муҳим устувор йўналиш сифатида алоҳида таъкидлаб ўтади. Шу нуктаи назардан, бугун ўзбек матбуоти ҳақиқ ва лоқайдликни ортда қолдириб, фаол позицияни эгаллаётганини ишонч билан айта оламиз. Айрим газеталар бу йўлдан илдам бормоқда. Бунинг кўрсаткичи, сезмаслик мумкин эмас. Эркин ва теран фикрлайдиган, ҳаётини ҳаққоний ва холисона ёритаётган газеталар ва журналистлар сафи тобора кенгайиб борапти.

Матбуот ахборотнинг сифати, келтирилган далиллар ҳаққонийлиги, фикрлар пухта ўйланганлиги каби ижобий имкониятларини ишга солиб келяпти.

ҳаётининг йилномаси қайд этилади. Босиб чиққан фактларга ҳар доим қайта му-рожаат қилиш, улар бўйича яна мулоҳаза юритиш мумкин. Бунда ҳис-туйғулар та-гин жонланади ва ёдда қолади. Газета шуниси билан ҳам "мўъжиза"дир.

Шу нуктаи назардан, газета ва жур-наллар маъмузини янада бойитиш энг му-ҳим ишлардан биридир. Албатта, журна-листика кенг тафаккурни, заҳматли ме-ҳнати талаб этадиган касб. Бу касбнинг ноини ёйишга қарор қилган инсон шун-чаки беҳато ёзишни ўрганиб олиши етар-ли эмас. У ҳамиша одамлар ташвиши билан яшаши, жамиятдаги муаммоларни худ-ди ўзиникидек қабул қилиши керак. Улар-га нисбатан фаол позицияда бўлиши ло-зим. Бундай кадрни тайёрлаш эса осон бўлмайди. Шу жиҳатдан мамлакатимизда Ўзбекистон журналистика ва оммавий ко-муникациялар университетининг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Энди бу олий ўқув юртида тахсил олаётган талабаларни тахрирларга яқинлаштиришимиз, "Устоз — шоғирд" аънаварларини йўлга қўйиб, уларнинг амалий кўникмаларини бойитишимиз керак. Бунинг учун, аввало, журналист кадрлар тайёрлаш ишида янги

«ҲАР КУНГИ МЎЪЖИЗА»
У ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАРГА МУҲТОЖ

бу рельс ниманинг устига қўйилади, деган савол очик қолиб кетди. Қанақа асос ҳақида сўз борапти, дейсизми? Газетани обуначиларга етказиб бериш хизмати ҳеч қанақа талабга жавоб бермайди, газета сотиладиган киоскалар сони эса камайиб кетди. Қоғоз нархлари, солиқ ва боғжона тўловлари эса алоҳида мавзу.

Соҳа ривожини ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, тахрирларнинг моддий-иқтисодий имкониятларини янада ошириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласини ўйлаш керак. Зеро, эзогу голяр тарғиботи, маънавият, инсон онги ва қалби учун кураш жаҳдаларига айрилган оғиз кўпиртириб еклаётган шафқатсиз бозор механизмларини тўридан-тўғри жорий этиб бўлмайди.

Айниқса, бугунги интернет асрида ҳар қандай ахборотга бир зумда деярли текинга эга бўлаётган инсонлар олди-қонди гап-сўзлардан холи, жамият раванқига хизмат қиладиган голяр, тахсиллар ақс этган нашрларни чўнтагидан пул сарфлаб, сотиб олиб ўқиши умумламоҳол бўлиб қолди. Шу босма газета-журналларни чоп этиш, уларни тарқатиш ва ўқувчи-

биз ҳам немислар каби кўп ўқийдиган халқ эканимизни аэропортданок намойиш эта оламизми?..

Америка Қўшма Штатларида газеталар нафақат аэропорт, балки меҳмонхона, ресторан, университет, ҳатто кўчаларда тарқатилади. Туркияда газеталар катта-ки-чик савдо нуқталарида кўринарли жойларга сотиш учун қўйилган. Европанинг Прага, Варшава шаҳарларида ҳар 400 — 500 кишига ўртача битта газета дўкончаси тўғри келар экан. Хўш, Тошкентда-чи? Пойтахтимиз фаст-фудлар сотиб олиш мумкин бўлган дўкончалар сони бўйича бу шаҳарлар билан тенгла-ша олар, балки. Минг афсуски, киос-калар сони бўйича эмас...

Маъно-мазмунга тўла қоғоз

Матбуот ўзининг тўрт асрлик тарихи давомида юксалиш ва таназзул босқич-ларини босиб ўтган. ХХ асрга келиб, у ўзининг янгиликлар "монополисти" сифа-тидаги макомини йўқотди. Лекин ўзга-ришларга мослаша олиши туфайли

Ҳақиқат музейдаги экспонат сингари ноёб нарасага айланган бир даврда газеталар, агар ўзини аънаваларига содиқ қолса, ёлгондан чарчаган аудитория кўзи ўнгига медиаиндустрияни реабилитация қилишга қодир. Бутун-жаҳон газета ва англоликлар ассоциа-цияси (WAN-IFRA) маълумотига кўра, сайёрамиздаги катта ёшли аҳолининг 40 фоизи ҳар кун айнан газета ўқишни давом эттирмоқда.

Ахборотни айнан қоғоз кўринишидаги манбадан олиш, аниқса, ўқимишли, му-лоҳазакор қатлам, зиёлиларнинг қисма-тидир. "The New York Times" колумнисти Нелли Буолингнинг фикрича, рақамли муло-қот ўз ахамиятини йўқотмоқда. Одамлар-нинг бевосита учрашуви, сўхати ҳамма интиладиган жараёнга айланмоқда. Ана шу аънавалар ўз вақтида "Роспечать" компа-ниясининг соҳавий маърузасида қайд этилган. Унда келтирилшича, газетанинг қоғоз версияси ҳар қандай мамлакатда сифатли босма нашр ҳисобланиб, элита маҳсулот сифатида энг илгор қатламга мўлжалланган ва имкони борича узоқ вақт, идеал шароитда эса — ҳаммиса чиқиб ту-риши лозим.

Шубҳасиз, матбуотнинг кўп асрлик аъ-навалари ва замонавий кадрларни янги Ўзбекистон учун муҳим ва зарур. Негаки, мамлакатимизда очиклик курси эълон қилинди, маърифат эса энг асосий қадри-ятлардан бири, дея белгиланди. Бироқ бу соҳага муносабатни ўзгартириш, ўзаро ҳамкорлик механизмларини ислоҳ қилиш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва инфратузилмани тубдан янгиллаш талаб этилади.

Бунга сарфланмаган харажатлар, албат-та, ўзини оқлайди, чунки улар амалга оши-рилганда ислохотлар моҳияти ҳақида ха-бардор қилиш, бу йўлдаги қийинчиликларни



ларга ўз вақтида етказиб бериш тизими-ни қайта ислоҳ этиш — замон талабидир! Бундан ташқари, интилишаримиз, яъни мамлакат миқёсидаги, умуммиллий ва гло-бал даражадаги мақсадларимиз ҳақида чу-қур ўйлаш вақти келди. Хўш, энг ўқимиш-ли мамлакат бўла оламизми? Е бизга шундайи ҳам "бўлаверадими"? Ўзимизни энг билимга интилувчи мамлакат, деб та-ништира оламизми? Умуман, биз жуда фахрланмаган ота-боболаримизга муно-сиб бўлиш, ҳеч йўқса, улар ортидан эргашиб қўлимиздан келадими?

Мамлакатимизда ва бутун дунё бўйлаб ўрнатилган буюқ мутафаккирларимизнинг ҳайкалларига бир эътибор беринг-а. Дунё тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган бу улғ-зотлар қўлида китоб ёки қоғоз ўрами билан тасвирланган. Негаки, улар нафақат ушбу шахсларга қўйилган ҳайкал, балки чуқур илмий ва фалсафий меросдан, ай-нан қоғозда ақс этган СЎЗ ҚУДАРАТИдан дарак бериувчи ёдгорликлардир.

Бугунги кунда бутун дунёда энг дол-зарб бўлиб турган масала — маърифат масаласи. Дунёдаги борки талатўллар за-мирида ҳам айнан маърифатсизлик туриб-ди. Маърифат — илм дегани, маърифат — маънавият дегани. Маърифат, аввало, му-толаадан бошланади. Ҳатто энг ривож-ланган давлатлар ҳам бугун маърифатга қайтадан мурожаат қилаётгани бежиз эмас. Бунини, масалан, Францияда ҳам яхши ан-гашади. У ерда ёш авлодини маърифатли қилиш устида иш олиб борилди. Мамла-катда газета ва журналларни чоп этиш, тарқатиш борасида давлат субсидиялари

тизим жорий этиш зарур. Хўш, бу қандай бўлади?

Маълумки, ҳозирги кунда ёш журна-листларимизда ихтисослашув масаласи кўнгиладигидек эмас. Масалан, иқтисодиёт мавзуини ёритадиган журналист иқтисо-диётни, маданият мавзуини ёритадиган журналист маданият соҳасини яхши бил-майдиган ҳолатлар кўп учраяпти. Шу бос-га ўқиган ёшларни, балки бошқа йўна-лишларда ўқийдиган, бироқ журналистика-га иктидори бўлган олий ўқув юрти тала-баларини ҳам жалб этиш мумкин. Улар ўзлари ўқиган йўналиш бўйича етарли би-лимга эга бўлади. Уша соҳани тахлил қи-ла олади. Мақола ёзиш кўникмаларини шакллантиришга эса тахрирларнинг ўзи ёрдам бериши мумкин. Бунинг учун та-хририяда бепул ўқув курслари ташкил эти-ш етарли бўлади.

Мисол тариқасида "Халқ сўзи" ва "На-родное слово" газеталари тахририятида ўзбек, рус ва инглиз тили курслари, турли олий ўқув муассасаларида тахсил олаёт-ган ёшлар учун "Журналистик маҳорат ма-ктаби" ташкил этилганини келтириб ўтиш мумкин. Ходимларнинг билимларини оши-риш, соҳага ёш авлод кадрларини тайёр-лашда бу ишлар яхши самара кўрсатади. Бундай маҳорат мактаблари нафақат биз-нинг тахририятимизда, балки бошқа та-хририятларда ҳам ташкил этилган ва ўзи-нинг ижобий самарасини бергани бор гап.

Олий таълим муассасасида талаба на-зарий билимларни олади, лекин амалиёт-ни фақатгина кундалик газета тахририя-тида ўтади, у ерда ёзишни ўрганади. Қолаверса, журналист учун зарур бўлган касбий сезги, интервью олиш маҳорати, далилларни тахлил қи-ла олиш каби кўник-малар шаклланади. Энг асосийси, факт-ларни текшириш, таллаб олиш ва ўқувчи-га ишончли маълумотни тақдим этиш, масъулияти бўлиш — ана шу хислатлар ў-злаштирилади. Тахририятлар ана шу аъ-наваларни давом эттириши учун қўшимча рағбат яратилиши керак.

Ўртимизда номдор газеталардан тор-тиб, прокуратура ва суд, маҳаллий ҳоким-лик органлари, турли вазирилик ва қўмита-лар, сиёсий партиялар турли уюшмалар, нодавлат-нотиҳорат ташкилотлар ва ҳо-қозлар муассислигидаги газета-журналлар

Матбуотнинг роли ҳақида сўз юритилар экан, бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларнинг онгига мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда. Чунки ҳозирги даврда, халқро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият энгилмас кучга айланиб, келажакни ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади. Шу нуктаи назар-дан, миллий матбуот ортдошларимизни давлат қўриқлиши, ихтимойи, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгиллаш жараёна-лидан хабардор қилиш билан бирга Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бир-ламчи эканини доимо англаиб турувчи асосий воситадир.

Ўзбек матбуоти шонли тарихига эга. Сўнги бир-эз эллик йилдан ортиқроқ вақт давомида мамлакатимиз ҳудудида юз берган барча муҳим воқеа ва ҳодисалар газеталар саҳифаларида мўҳрланган. Миллатимиз зиёлилари халқимизни айнан газеталар орқали тараққиётга етказган. Модомики шундай бўлган, биз мана шун-дай кучли ахборот воситасини қадрлашимиз, унинг янада ривожланишига йўл очиб беришимиз керак. Балки шунда яна ортдошларимиз, каттага кичик раҳбарларимиз ҳар кунини газета ўқишдан бошлайдиган, ёшларимиз кўлида фақат гаджетлар эмас, газета-журналлар, китоблар ҳам кўтариб юрадиган бўлишар...

Давлатимиз раҳбари томонидан илм-фан, маърифат ва маънавиятга катта эъти-бор қаратилиб, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида қатъий сайё-ҳара-катлар олиб борилаётган янги Ўзбекистонда бу орзуларнинг ҳам амалга ошиши мўжарар.

Ўқтир РАҲМАТ

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-қоғозни телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташририятда келган қўёзмазар тақрир қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайдан.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг подлиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳаб — Ш. Маширабов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.08 Топширилди — 02.00

1 2 3 4 5 6